

sessiyasida “Declaration of principles on tolerance” (“Bag’rikenglik tamoyillari Deklaratsiyasi”) qabul qilindi. Ushbu deklaratsiya YuNESKO tashkilotining Bosh Assambleyasi konferentsiyasining 5.61 Rezolyutsiyasi bilan tasdiqlandi. 185 davlat, shu jumladan, O‘zbekiston ham uni imzoladi. Shu davrdan boshlab 16 noyabrni dunyo miqyosida tolerantlik kuni sifatida nishonlash an’anaga aylandi. 2000 yilda YuNESKOga a’zo bo‘lgan davlatlarda jahon miqyosida “Tolerantlik yili” rejasi asosida 2000 dan ortiq tadbirlar o‘tkazildi [7].

Tolerantlik shunday sog‘lom aqida va g‘oya sifatida insonlararo munosabatlarni tartibga soladi, ularni o‘zaro sog‘lom muloqot qilishga o‘rgatadi. Shu nuqtai nazardan, tolerantlik tushunchasi genotsid, rasizm, ksenofobiya, etnotsentrizm, ekstremizm kabi tushunchalarga qarshi bo‘lib, falsafiy-ijtimoiy ing tarkibidan o‘rin oladi. Tolerantlik o‘z mazmuniga ko‘ra jamiyatdagi ijtimoiy voqelik bilan uzviy aloqadorlikni namoyon etadi. Tolerantlik zamonaviy bag’rikenglik tafakkurining negizini tashkil qiladi [8:11].

Hammamizga ma’lumki, xalqimizning an’anaviy qadriyatlari tizimida insonga muxabbat, uning qadriyatlarini anglash, tinchlik va osudalikda hayot kechirish, kattaga hurmat, kichikka izzat, mehribonlik, mehr va oqibat, o‘zgalarni tushunishga sa’y-harakat, birovni tinglash ochiqlik, samimiylik, tug‘ri so‘zlik kabi ahloqiy sifatlar bag’rikenglik tushunchasi tarkibiga kiritilgan hamda ahloqiy normaga aylantirilgan. Tolerantlik siyosiy barqarorlik, ijtimoiy totuvlik, ijtimoiy tushunish, munosabatlarni boshqarish, tinchlik,

millataro totuvlik va siyosiy, etnik, diniy va madaniy bag’rikenglikdan iborat. Shu bilan birga, jahon ziyolilarining ta’kidlashicha, inson tug‘ilish paytidan boshlab chidamlilik fazilatlarini orqali yaxshilik va donolik sari yetilishi mumkin, bunda chidamlilik fazilatlarini o‘zining asosiy orzulari bilan uyg‘inlashadi. Agar bag’rikenglik individual bo‘lsa, demak, odam o‘zini tutish, majburlash, bo‘ysunish holatida qolishi aniq va qarama-qarshi salbiy xatti – harakatni namoyon etadi. Umuman olganda, bag’rikenglik hodisasi milliy hodisalarning aksidir, bu ma’naviy rivojlanish va boshqalarni turli etnik-madaniy va ijtimoiy muhitda tan olish yo‘nalishi bo‘lib xizmat qiladi.

Jahon miqyosida o‘tkazilayotgan bunday keng miqyosdagi tadqiqotlar talabada tolerantlikni rivojlantirishning mohiyati, tuzilmasi va funktsiyalarini aniqlashtirish, mazkur jarayonni amalga oshirishning pedagogik modeli va bilingvistik yondashuv asosida talabalarda tolerantlikni rivojlantirish texnologiyasini ishlab chiqishni taqozo etadi.

Xullas, tolerantlikning turli ta’riflarini tahlil qilish asosida ushbu tushunchaga ilmiy fenomen sifatida mualliflik yondashuvi asosida quyidagicha ta’rif berildi: tolerantlik – bu shaxsning turli xil ijtimoiy-madaniy guruhlar vakillari bilan qadriyatli munosabatiga asoslangan hamda kognitiv, affektiv va xulq-atvor sohalarning o‘zaro bog‘liq va bir-birini to‘ldiruvchi tarkibiy qismlarini o‘z ichiga qamrab oladigan hamda shaxsning faol hayotiy pozitsiyasida namoyon bo‘ladigan integratsion sifatidir.

Adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni.
2. Jungmann T. Praxis der Sprach-und Kommunikationsförderung. Dortmund: Borgmann Media, Buch., 2012. –P. 208.
3. Begmatov A. Bag’rikenglik va uning muqobili. // “O‘zbekistonda millatlararo totuvlik, milliy, diniy va siyosiy bag’rikenglikni yanada rivojlantirishning ijtimoiy, falsafiy masalalari” Respublika ilmiy-amaliy konferentsiyasi maqolalari to‘plami. – T.: TDIU, 2020. 816-b.
4. Štefaník, Jozef Individuálny a spoločenský bilingvizmus: Zborník príspevkov z II. Medzinárodného kolokvia o bilingvizmu konaného 10. A 11. júna 2004 na Filozofickej fakulte Univerzity Komenského v Bratislave / Vedec.red.; jaz.fed. Pálcutová, Michaela. Bratislava, Univ. Komenského; 2005. –P. 126.
5. Ковалева А.С. Технология создания толерантной образовательной среды: учебное пособие. -Барнаул: АлтГПУ, 2015. –С.137.
6. Karimova E.G. O‘zbek tolerantligining etnoregional xususiyatlarini sotsiologik o‘rganish: dis.avt...sots.f.n. – Toshkent: 2003. 23-b.
7. BMT “Tolerantlik tamoyillari Deklaratsiyasi” // O‘zbekiston Respublikasi va inson huquqlari bo‘yicha xalqaro shartnomalar. / Mas. muh. A.Saidov. – T.: “Adolat”, 2002. 261-267-b.
8. Хорошилова М.В. Управление процессом формирования толерантности обучающихся. Выпускная квалификационная работа. – Бийиск: 2018. –С. 119.

REZYUME. Mazkur maqolada Oliy ta’lim jarayonida talabalarda tolerantlik tafakkurni rivojlantirishning didaktik tizimini takomillashtirish yo‘llari yoritilgan. Tolerantlik siyosiy barqarorlik, ijtimoiy totuvlik, ijtimoiy tushunish, munosabatlarni boshqarish, tinchlik, millatlararo totuvlik va siyosiy, etnik, diniy va madaniy bag’rikenglikning o‘rni ochib berilgan.

РЕЗЮМЕ. В данной статье представлены пути совершенствования дидактической системы по развитию толерантного мышления у студентов в высшем образовании. Толерантность включает в себя политическую стабильность, социальное согласие, социальное понимание, управление отношениями, безопасность, межнациональное согласие, а также политическую, этническую, религиозную и гражданскую составляющую.

SUMMARY. This article presents ways to improve the didactic system for developing tolerant thinking among students in higher education. Tolerance includes political stability, social harmony, social understanding, relationship management, security, interethnic harmony, as well as political, ethnic, religious, and civil components.

ТАЛАБАЛАРДА МИЛЛИЙ КАДРИЯТЛАР АСОСИДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Н.О.Омонова – докторант

Термиз давлат университети

Таянч сўзлар: талаба, кадрият, ёшлар, анъана, маданият, мулоқот, миллий, билим, тарбия, таълим, шакллантириш, ривожлантириш.

Ключевые слова: студент, ценность, молодежь, традиция, культура, общение, национальное, знание, воспитание, образование, становление, развитие.

Key words: student, value, youth, tradition, culture, communication, national, knowledge, upbringing, education, formation, development.

Замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатни барқарор ва илдам ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойий этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўлмал ишлар амалга оширилди. Мазкур соҳани юксак сифат босқичига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармон қабул қилинди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, “Узлуксиз маънавий тарбия” концепциясида ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди.

Узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг I боб, 1 бўлими шундай сўзлар билан бошланган. “Ўзбекистон “Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари” тамойили асосида тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Янги давр шиддати таълим-тарбия тизимига ҳам ўзининг аниқ, қатъий талабларни қўймоқда” [1:1].

Ёшлик-келажак ва эзгулик сари интилиш даври. Ёшлар эса жамиятнинг асосий кучидир. Бугун Ўзбекистон ёшлар учун имкониятлар мамлакатига айланди. Ўқиш, билим эгаллаб, касб ўрганиш учун яратилган шароитларнинг чеки йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Агар мендан сизни нима қийнайди? деб сўрасангиз, фарзандларимизнинг таълим ва тарбияси деб жавоб бераман”дея айтган сўзлари Ўзбекистонда таълим ва тарбия бериш учун билимли ўқитувчи ва ўқувчиларни етиштиришга бўлган эҳтиёжнинг яна бир қарра ошганлигидандир [10].

Бугунги кунда юқори малакали, ҳар томонлама ривожланган, маҳоратли, дунёқараши кенг ва чуқур техник билимга эга ёш кадрларни тайёрлаш ишлаб чиқаришдаги энг муҳим масалалардан биридир. Замонавий университет профессионал билимдон, мустақил фикрлайдиган ўқувчи талаба, шунингдек, психологик ва технологик жиҳатдан инсонпарварлик кадриятларини амалга оширишга муҳтож.

Бизнинг қадимий аъналаримиз ва боқий кадриятларимизни ҳозирги замон илм-фани ютуқлари билан уйғунлаштира олиш замонавий илмий ёшларнинг асосий мажбуриятларидан эканлиги исботланмоқда. Бунинг учун педагогик ҳамкорлик асосида миллий мулоқот маданиятини ривожлантиришда урф-одат, аъна, миллий, умуминсоний, таълимий кадриятларни, миллий маънавий меъросимизни мукамал билишимиз зарур. Чунки бугун талабалар онгида билим кўникма малака ҳосил қилиш орқали миллий мулоқот маданиятини ривожлантириш талаб этилади.

Педагогик мулоқот-педагогик таъсирнинг ажралмас сифатидир. Бу ўқитувчи ва ўқувчининг таълим-тарбия жараёнидаги профессионал мулоқоти бўлиб, унда маълумот алмашинади ва ўқувчиларга ўқув-тарбиявий таъсир ўтказилади. Бунда икки ёқлама мулоқот юзага келиши лозим. Унинг асоси сифатида ўзаро ҳурмат ва ишонч хизмат қилади

Дарҳақиқат, ҳамкорликда ўқитиш ўқувчини кунлик қизгин ақлий меҳнатга ўргатиш, шахс сифатида онглилик, мустақилликни тарбиялайди. Ҳар бир ўқувчида шахсий кадр-қиммат туйғусини вужудга келтириш, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончни

мустаҳкамлаш, таҳсил олишда маъсулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутати.

Ҳамкорликда ўқитиш технологияси ўқувчининг таълим олишидаги мувофақияти гуруҳ мувофақиятига олиб келишини англаган ҳолда мустақил ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, ўқув топшириқларини тўлиқ ва сифатли бажаришга, ўқув материални тўлиқ ўзлаштиришга ёрдам беради [9:77].

Педагогик ҳамкорликнинг тўғри ташкил этилиши талабаларда ўқув материални самарали ўзлаштириш билан биргаликда кадриятларни ўрганиб миллий мулоқотни ривожланишига асос бўлади.

“Миллий онг ва унинг шаклланиши энг аввало миллий уйғониш замиридан бошланиши табиийдир,- дейди Х.О.Мусаев,-ҳозирда уйғониш: давр тақозосига кўра тараққиётнинг объектив ижтимоий воқелигига айланмоқда. Чунки, кишиларнинг дунёқарашлари, ҳаётий ҳулосалари, бир-бирига муносабатлари, ирода ва хоҳишлари, миллий турмуш тарзлари, миллий расм-русмлари, урф-одат ва аънаалари туфайли шаклланди ва ривожланди. Шундай экан, миллий, турмуш тарзи ва маданият ижтимоий воқеликнинг ғоят органиал ифодалаш шаклидир”.

“Миллийни тан олиш,-деб таъкидлайди яна бир олим Х.Пўлатов,-миллатга мансуб кишиларнинг ижтимоий-этниқ барқарорлигини тан олиш демакдир”.

Миллий ўз-ўзини англаш жараёнида талаба-ёшларнинг муносабатини билиш мақсадида ўтказилган тадқиқот натижасида шу нарса маълум бўлдики, уларнинг кўпчилиги миллий ўз-ўзини англаш ҳар бир халқнинг ўз мустақил миллий давлатнинг юзага келиши билан бошланади, деган фикрни билдиради. Ўз мустақиллигига, миллий байроғига, давлат мадҳиясига, гербига ва миллий конституциясига эга бўлган халқ онглидир. Миллий мансублигини билиши, уни севиши, тили, маданиятини чексиз ҳурмат қилиши, кадриятларини англаши, урф одатларини яхши билиши, ўз миллатининг ўтмишини, ҳозирини ва келажagini билиши, унинг билан бирга яшаши миллий онглиликни кўрсатадиган омиллардир [7:26].

Кейинги йилларда мамлакатимизда кечаётган буюк ўзгаришлар асосида миллий онгни шакллантириш, кадриятларни ўрганиб амалий ҳаётга тадбиқ этиш жараёни янада ошди.

Кадриятлар жонли тарихдир. Шунга кўра ёшлар таълимий, умуминсоний, миллий кадриятларимиз ва бой маънавий маданиятимизни ўрганиши мулоқотнинг миллийлигини таъминлайди.

Кадрият атамаси аксарият адабиётларда қайд этилганидек, фалсафий тушунча бўлиб, у шахс томонидан содир этилувчи фаолиятининг мазмунини очиб беришга хизмат қилади.

Файласуф Э.Юсуповнинг таъкидлашича, кадрият-бу инсон ёки жамиятнинг у ёки бу эҳтиёжини қондирадиган, улар манфаатига хизмат қиладиган моддий, маънавий эҳтиёж ва манфаатдир. Умуман, кадриятлар жамият ҳаётининг тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган ва ривожланган ўтмишда, ҳозирги кунда ва келажакда ҳам ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий тараққиётга таъсир этадиган, кишилар онгига сингиб, ижтимоий аҳамият касб этадиган моддий ва маънавий бойлиқдир.

Демак, юқоридаги билдирилган фикрдан англанадики, кадрият инсоният ҳаётининг таркибий унсурларидан бири бўлиб, унинг моддий ва маънавий омилларининг ижтимоий тараққиёт жараёнидаги аҳамияти инсонлар томонидан кадрланишини ифода этади.

Чунончи, “Педагогик нуктаи назардан кадриятлар шахс онги ва фаолиятини ривожлантиришга, уни бир бутун шахс сифатида шаклланишига таъсир этувчи маданий-маърифий воситадир” [5:6].

Умуминсоний кадрятларнинг намоён бўлиш шакллари нисбий хусусиятга эга, аммо бу нисбийликни мутлақ хусусият сифатида тушуниш ҳам тўғри эмас. Бундай ёндашувда “оламда фақат нисбийлик ҳукмрон”, деган реалистик қараш таъсирга тушиш мумкин. Амалиёт ва ижтимоий фаолиятида эса умуминсоний кадрятларни ҳоҳлаган тарзда талқин қилиш, ҳар қандай ҳатти-ҳаракатни оқлаш имкони туғилади. Холбуки, кадрятлар амалиётидаги нисбийлик маълум бир чегарага эга. Бу чегара кадрят объектининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий ҳолати, табиий-тарихий жиҳатлари билан белгиланади.

Бу чегараларга жамиятдаги кишилар ўртасида содир бўладиган муносабатлар, ижтимоий ҳаётда намоён бўладиган эҳтиёжлар, қизиқишлар, интилишлар, ҳаёт ва умргузаронлик талаблари, тартиблари, қонун-қоидалари ва бошқалар (субъектив жиҳат) ҳам таъсир қилади [3:114].

Айрим муаллифлар томонидан эса ушбу тушунча инсонга хос бўлган энг олий маънавий-ахлоқий сифатлар мажмуи сифатида талқин этилади. М.Иномова томонидан олиб борилган тадқиқотда “кадрят” тушунчасининг шарҳи қуйидагича талқин этилади: “Кадрятлар деганда, жамият учун аҳамиятли бўлган миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадлари йўлида хизмат қиладиган эркинлик, ижтимоий адолат, маърифат, гўзаллик, ҳалоллик, бурчга садоқат сингари фазилатлар йиғиндисини тушунамыш.

Бизнинг назаримизда юқорида келтириб ўтилган фикрлардан дастлабки иккитаси “кадрят” тушунчасининг моҳиятини тўлақонли ифода эта олган. Зеро, кадрят сифатида нафақат маънавий балки моддий омиллар ҳам эътироф этилади.

Дарҳақиқат, кадрятнинг айнан инсоннинг маънавий-ахлоқий сифатларини шаклланишида ва педагогик аҳамиятга эга бўлган кадрятларни ўрганишимиз зарурдир. Бундай кадрятлардан бири таълимий кадрятдир. “Таълимий кадрятлар” шахсга илмий-назарий билимларни бериш, унда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш, унинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида муҳим ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга бўлган, шунингдек, ўзига хос аҳамият касб этувчи объектив ва субъектив омиллар мажмуасидир.

Бугунги кунда янгиланган жамият маънавий, интелектуал кадрятлари, халқнинг бой анъаналари, умуминсоний ҳамда миллий кадрятлар, фан, техника, технологиялар ютуқларига таянган ҳолда, шунингдек, маънавий-ахлоқий анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш асосида ривожланади.

Кадрятлар ва улардан ижтимоий ҳамда педагогик муносабатларни ташкил этиш жараёнида фойдаланиш борасидаги вазифалар-таълим мазмуни, унинг жараёни ва “педагог-талаба” тизимидаги ўзаро муносабатларни ташкил этиш асосида қурилиши лозим. Педагогик муносабатлар муаммоларини ҳал этиш талаб этилади. Бўлажак ўқитувчини тайёрлаш билан боғлиқ педагогик ҳодисани ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

- муносабатларда кадрятлар, анъаналар асосида ўқитувчи ва ўқувчининг бир-бирини ҳурмат қилиши;

- ўқувчиларда эстетик бой дунёқарашни, юқори маънавийликни, маданиятлик ва ижодий фикрлашни шакллантириш;

- унинг тарих, халқ одатлари ва анъаналари билан Ўзбекистон халқлари маданиятини сақлаш ва бойитиш, таълимни миллий ривожлантиришнинг муҳим воситаси деб тан олиш, бошқа халқлар тарихи ва маданиятини ҳурмат қилиш билан ўзвийлигидан иборатдир;

- ижодий фикрлаш, башорат қила олиш, муқобил фикрлашга имкон берувчи шакл, метод, ва воситаладан

фойдаланиб, ижтимоий аҳамиятли қарорлар қабул қилишга ўргатиш;

Ўқитувчиларни, энг аввало, педагогика олий ўқув юртларида керакли даражада тайёрлашнинг педагогик, ижодкорлик муаммоларини ечиш учун методологик, назарий ва амалий асосларини аниқлаш зарур.

Таълим-тарбия мазмунида ёзилган асарларида Шарқ мутафаккирлари таълим ва тарбия жараёнини қуйидаги шакл, метод ва усуллар ёрдамида ташкил этиш, қўлланган натижаларни қафолатлашини алоҳида таъкидлайдилар (улар бугунги педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнида ҳам муҳим аҳамиятга эга):

- суҳбат, ҳодиса ва воқеаларнинг моҳиятини тасвирлаш, тартиб билан тушунтириш, ахборот бериш;

- ўқитишнинг савол-жавоб усули;

- асослаш, мантикий мулоҳаза йўритиш, шахсий мулоҳазаларни билдириш;

- ижтимоий ёки табиий ҳодиса ва воқеаларнинг содир бўлиш жараёнини кузатиш, тажриба олиб бориш;

- индукция, дедукция, алгоритмлар киритиш, анализ, синтез, умумлаштириш; [5:84].

Юқоридаги назариялардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, билим олишда қўлланувчи ҳар бир усул ва услубнинг қандай бўлишидан қатъи назар таълим олувчи ўзлаштиришга онгли ёндашиши муҳим. Чунки инсоният тарихидан маълумки ҳар бир даврда инсонлар онг ва ҳаракатлари шу муҳитга мос равишда ривожланади. Шундай экан бугун ўқимишли бўлиш учун етарли ақл заковатга эга бўлиш зарурдир.

Ўқимишли одам-билмаган нарсасини қаердан топиши билдиган кишидир. Г. Зиммель

“Илм олишда мисол қоидадан фойдаланроқ”. Исаак Нютон [2:31].

Маълумки, инсоният онг, ақл заковат бобида шунчалик катта имкониятларга эгаки, ҳали бу имкониятлардан тўла фойдаланишга ожизмиз. Масалан, инсоншунослик фанларининг аниқланишига қараганда, интеллектуал энг етуқ кишилар ўз ақлий-фаолий имкониятларидан фақат 5-6 фоиз фойдаланар экан, холос. Шунинг учун, эътиборни кўпроқ инсоннинг ўзига қаратиш даври келди. Демак, энг асосий хазина инсоннинг ўзида яширинган. Инсон табиатнинг бўлаги бўлиб, у коинот, табиат, жамият олдида маънавий жавобгар ҳамдир.

Интеллектуал бойлик эса узлуксиз тараққиётнинг жўшқин булоғидир. Бу булоқнинг жўшқинлик кучи ва туганмас манбаи инсонларнинг маънавий бой қалбида тетик руҳда, ўткир ақли, зеҳнидадир. Ёшларда бу маънавий-инсоний сифатларни шакллантириш, ривожлантиришга фанлар тизими асосида комплекс ёндашилиб, амалиёт ва назариянинг уйғунлиги асосида амалга ошади.

Ўқувчи ва талабалар ҳаётидаги маънавий-амалий фаолиятга ундовчи онг бу билимдир. Демак билим билиш жараёнининг натижаси эмас, балки шу билиш жараёнининг ўзи бўлиши билан бирга кишини яна шу фаолиятни давом эттиришга ва янги фаолиятга ундаши керак [6:96].

Жамиятдаги фаол фуқороларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Уларда онгнинг ва мулоқотдаги фаоллиқнинг даражаси юқоридир. Бундан кўриниб турибдики бугун илм олиш ва изланишдаги ёшларнинг ҳаракатлари бесамар эмас.

Айнан уларни кадрятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва ҳамкорлик педагогикаси асосида мулоқотда миллийлигимиз акс этган маънавий маданиятимиз ҳақидаги тасаввур ва тушунчани шакллантириб бориш муҳим. Чунки нутқсиз тафаккур шакланмайди. Ўзлигини ўз тарихини ва урф-одат, удумларини билмаган ёшлар эртанги кунда яна шундай кадрлар етишиб чиқишига замин яратди.

Маънавий маданият моддий маданиятга нисбатан яшовчи характерга эга. Шунинг учун у мустақил равишда ривожланиб, фаолият кўрсата олади. Шу жиҳатдан маънавий маданият жамият маданиятнинг ривожланишида ва жамият тараққиётида етакчи рол ўйнайди ва шу боис бошқарувчилик, йўналтирувчилик функцияларини бажаради. Ҳар бир жамият, миллат, элат маънавий маданияти туфайли ўзлигини англайди, ўзининг эҳтиёж ва қизиқишларини, хусусиятларини билиб олади ва жаҳон тарихида ўз ўрнини эгаллайди. Шунинг учун инсоннинг маънавий маданиятини, маънавий онгини ривожлантириш жамият олдида турган энг асосий вазифалардан биридир.

Маънавий маданият авлодлар орасида барча жабҳалар бўйича ворислик вазифасини ва ўтмишни билиш вазифасини ҳам ўтайди. Маънавий маданият туфайли ўтмиш маданияти келажак авлод томонидан ўзлаштирилади.

Маънавий маданиятнинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, у инсонлар орасида ҳамда инсон билан ташқи дунё орасидаги мулоқотни бошқаради ва уйғунлаштиради. Шу жиҳатдан хулқ-одоб, мулоқот маданияти каби категориялар маънавий маданиятнинг муҳим таркибий қисмларидандир.

Бугун таълим жараёнига маънавий маданият тушунчаси талабаларга дарс жараёнида тушунтириб боришмоқда. Ундан кўзланган мақсад талабаларни педагогика фанининг замонавий ютуқлари, унинг дастлабки манбалари ва негизи бўлган миллий маънавий меросимизнинг асоси бўлган қадриятларимиз билан чуқурроқ таништириш ва шу асосда уларнинг миллий дунёқарашини шакллантириш, маънавий ғазилатларини қарор топтиришдан иборат.

Шунинг учун педагогика фанини ўқитиш жараёнида давр талаби асосида талаба ёшларни маънавий маданиятимиз бўлган урф-одат, анъана, қадрият ва улғу боболаримиздан қолган меросига бўлган ҳурмат ва эҳтиром руҳини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

“Студентлик йиллари етук ўспиринлик(17-23) даврига тўғри келади. Бу даврда инсон биологик жиҳатдан баркамол, ижтимоий нуқтаи назардан етуклик, жисмонан бақувватлик босқичига кўтарилади.

Шу жиҳатдан биз бундан буён талаба шахсининг маънавий маданиятини шакллантириш ҳақида гапирганда уни ривожлантиришни назарда тутамиз.

Олий ўқув юртида педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган тарбиявий иш олиб бориш, жумладан университетларда талабаларнинг маънавий маданиятини шакллантириш учун ўқув жараёнининг барча ўзига хосликларини, талаба шахсининг умумий шаклланиш қонуниятларини, унинг олий ўқув юртидаги ўзгаришларини ҳисобга олиш лозим [8:30].

Форобий фикрича инсон кадр-қимматини улғуловчи энг олий ғазилат бу “камолатга интилиш”, касб-хунари, меҳнатсевар бўлишдир.

Фирдавсий эса инсонни ақл-заковат, онг эгаси эканлиги, унинг олий ғазилатлари ичида ақлдан аълоси йўқлигини таъкидлайди. Унингча тафаккур қудрат, олийжаноблиги, мардлиги, муруввати, нафсни тия билиши, покизалиги инсоннинг улғулигидир.

Мутафаккир ўша вақтлардаёқ қадриятларни яхши ва ёмон ҳислатларга ажратадилар; тўғрилиқ, одиллик, ўзини сақлаш, инсоф, камтарлик, лутф, собитқадамлик, эҳтиёткорлик, саҳийлик, мулойимлик, билимдонлик, тadbиркорлик сингариларни яхши ҳислатларга киритса, бировнинг пайига тушиш, кўролмаслик, хусумат, бировлар ҳисобига бойлик орттириш ва юқори

мартабага эришишга интилиш, фақат ўзини ўйлаш, соткинлик, хиёнат, вафосизлик қабиларни инсон қадриятларининг ёмон ҳислатларига киритадилар.

Юқоридаги айтилган фикрлардан кўриниб турибдики, ўтмиш алломаларимизнинг фалсафий қарашларида инсоний қадриятлар масаласи муҳим ўрин тутган. Инсоний қадриятлар, масаласи инсон ҳаётининг ўзақ масалаларидан бўлганлиги туфайли ҳар бир даврда у ўзига хос долзарблик касб этиб, тadbикот объектига, бахс ва мунозаралар предметиға айланиб кетган [4:16].

Миллийлигимизни акс эттирган миллий қадриятларимиз ва маънавий меросимиз, маданиятимизни таълим жараёнида мулоқот орқали етказилади. Бу жараёнда мулоқот тўғри ташкил этилиши талаб этилади. Чунки мулоқот маълумот алмашинувини ривожлантириб тафаккурни шаклланишининг асосидир.

Айнан муомала шахслараро муносабатнинг шундай кўринишики, унинг ёрдамида одамлар бир-бирлари билан ахлоқий, эстетик, маданий, сиёсий ва руҳий жиҳатдан алоқага киришадилар, таъсир ўтказадилар ва таъсирланадилар. Шу боисдан муомала ижтимоий категория сифатида турмушнинг барча соҳаларида қўлланиш моҳиятиға кўра бевосита ёки билвосита иштирок этади.

Муомала жараёни икки тарафлама характерға эга; у ўз моҳиятиға кўра ахборот ёки маълумотларни шунчаки узатиш ва қабул қилишга қараганда кенг қамровли бўлиб, икки ёки ундан ортик инсонларнинг ўзаро таъсирининг мураккаб тизими ҳисобланади. Мулоқот давомида инсонларнинг қайси миллатға мансублиги миллий анъаналари сўзлашув маданиятида сезилади [4:76].

Юқорида келтирилган тавсия ва муҳокамалар асосида ушбу ҳолатларни янада такомиллаштириш аҳамиятлидир.

-Олий мактабларда ёшлар миллий маданиятни оширишға қаратилган фаолиятни йўлга қўйиш;

-Замон талабиға кўра ҳар бир ўқувчи-талабанинғ ўз устида ишлашни назоратға олган ҳолда уларда миллий қадриятларға ҳурмат қўникмаларини шакллантириш;

-Ўқув муассаларида “Миллий қадриятларимиз-фахримиз” шиори остида кўплаб тadbирлар ўтказиш ва бу орқали ўқувчи ёшлар онгида миллий ўзлиқни англаш, миллий дунёқарашини шакллантириш;

-Миллий маънавиятимизнинг шаклланишида ўз ҳиссасини қўшган ўзбек маърифатпарварлари ва уларнинг ўлмас мероси билан ёшларни яқиндан таништириш, улардаги вафо, садоқат, ватанпарварлик, миллий ўзлиқни англашда кўмаклашувчи ёндашувларини амалий ҳаётимизға тарғиб этиш;

-Ёшларни замонавий билим олиши асосида миллий маданиятимизни замонаға мос хос билимлар билан бойитиб такомиллаштириш;

Олий таълимда билим олаётган ёшларнинг аксарияти ёш оила соҳиб ва соҳибалари бўлса айримлари эса бўлажак ота-оналардир. Демак, олий таълимда ўз билимини ошираётган талабалардаги мавжуд миллий тарбия эртанги кундаги пойдеворнинг мустаҳкамлигиға заминдир. Чунки, тарбия ҳавоға ўхшайди. Уни кўриб бўлмаса ҳам таъсирини ҳар сонияда сезиш мумкин.

Бугун ҳар бир ёш ўз устида ишлаш ва замонавий билим олишға интилиши зарур. Яъни замонавий билимларни олиб, миллий замонавий тарбияни ўзида ривожлантириши орқали маънавиятини ўстириши ва ёш авлодни ривожланган тарбия асосида баркамол шахс бўлиб ўсишишида ўз ҳиссасини қўшмоғи аҳамиятлидир.

Адабиётлар

1. 2019 йил 31 декабрдаги “Ўзлуксиз маънавий тарбия концепцияси” ПҚ-4307 сонли қарори.
2. Курунов М. “Болам бахтли бўлсин десангиз...” –Тошкент: “Маънавият”, 2013.
3. Назаров. Қ. Аксиология (Қадриятлар фалсафаси). –Тошкент: «Академия», 2011.

4. Хусанов Б., Фуломов В. “Муомала маданияти” Таълим нашриёти. –Тошкент: 2009.
5. Мардонов Ш.Қ. Педагог кадрларни таълимий кадрятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари; пед. фан. докт.... дисс.... –Тошкент: 2006, 302-б.
6. Куронов М. Ўзбекистонда умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари; пед. фан. номз.... дисс.... –Тошкент: 2000, 155-б.
7. Ерназаров Р.У. Миллий ва умум инсоний кадрятлар диалектикаси: пед. фан. номз.... дисс.... –Тошкент: 1993, 163-б.
8. Маматқулова Р. Миллий маънавий меърос асосида университетларнинг талабаларида хулқ-оодоб фазилятларини тарбиялаш: пед. фан. номз.... дисс....-Тошкент: 1995, 221-б.
9. Шарафутдинова Х. Ўқув-методик мажмуа. Педагогик фаолият психологияси. –Термиз: 2019.
10. gazeta.uz

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада олий таълимда тахсил олаётган талабаларга қадимий анъаналаримиз ва боқий кадрятларимизни ҳозирги замон илм-фани ютуқлари билан уйғунлаштирган ҳолда ўргатиб боришнинг афзаллиги ўрганилади. Бугунги кунда педагогик ҳамкорлик асосида миллий мулоқот маданиятини ривожлантиришда урф-одат, анъана, миллий, умуминсоний, таълимий кадрятларни, миллий маънавий меъросимизни мукамал билишимиз зарурдир. Бунинг учун эса педагог талабалар билан мулоқотини тўғри ташкил этиши ва сўзлашишни, мулоқот олиб боришни доимо ўрганиб бориши аҳамиятлидир. Чунки бу педагогга дарсни самарали олиб бориш имконини беради. Шунга кўра мақолада суҳбат, лекция, хикоя қилиш каби усулларида унумли фойдаланиш асосида таълим-тарбия жараёнига миллий мулоқот маданиятини ривожлантириш омилларининг олиб киришнинг аҳамиятлилиги даражаси илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье рассматриваются достоинства обучения студентов высших учебных заведений путем сочетания наших древних традиций и вечных ценностей с достижениями современной науки. Сегодня на основе педагогического сотрудничества нам необходимо совершенное знание обычаев, традиций, национальных, общечеловеческих, воспитательных ценностей, нашего национального духовного наследия в развитии культуры национального общения. Для этого важно, чтобы педагог правильно организовывал свое общение с учащимися и постоянно учился говорить и общаться. Потому что это позволяет педагогу эффективно провести урок. Соответственно, в статье научно анализируется важность внедрения в учебный процесс факторов развития национальной культуры общения на основе эффективного использования таких методов, как беседа, лекция, рассказывание историй.

SUMMARY. This article highlights the benefits of teaching higher education students our ancient traditions and eternal values in combination with the achievements of modern science. Today, in the development of a culture of national dialogue on the basis of pedagogical cooperation, it is necessary to have a thorough knowledge of customs, traditions, national, universal, educational values, our national spiritual heritage. To do this, it is important that the teacher properly organizes communication with students and constantly learns to talk, to communicate. Because it allows the teacher to conduct the lesson effectively. Accordingly, the article scientifically analyzes the importance of the introduction of factors in the development of a culture of national communication in the educational process based on the effective use of methods such as conversation, lecture, storytelling.

TALABALARNING INTELLEKTUAL-KOGNITIV SALOHİYATINI RIVOJLANTIRISH DOLZARB PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA

J.S.Otepbergenov – *pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent*
Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch soʻzlar: intellekt, salohiyat, kognitiv bilim, intellektual-kognitiv salohiyat, taʼlim tizimini raqamlashtirish, boʻlajak pedagog-oʻqituvchilar, intellekt nazariyasi.

Ключевые слова: интеллект, потенциал, познавательные знания, интеллектуально-познавательный потенциал, цифровизация образовательной системы, будущие учителя-педагоги, теория интеллекта.

Key words: intelligence, potential, cognitive knowledge, intellectual-cognitive potential, digitization of the educational system, future pedagogues-teachers, theory of intelligence.

Jahonda qabul qilingan “insonning butun hayoti davomida taʼlim olishi” gʻoyasi yurtimizda taʼlim sohasidagi asosiy printsiplaridan biri sifatida belgilanishi [1] oʻz-oʻzidan har bir shaxsning intellektual salohiyatini rivojlantirib borishini talab etadi. CHunki XXI asr inson kapitaliga boʻlgan ijtimoiy buyurtmani vujudga keltirmoqda. Ayniqsa, yoshlarga samarali taʼlim va tarbiya berishda muhim rol oʻynaydigan pedagog-kadrlarning intellektual-kognitiv salohiyatini oshirish alohida ahamiyat kasb etadi.

“Intellektual-kognitiv salohiyat” tushunchasini ilmiy-pedagogik fenomen sifatida tahlil etish uning tarkibini tashkil etuvchi “intellekt nazariyasi”, “kognitsiya nazariyasi” va “salohiyat nazariyasi” masalalarini alohida ilmiy-pedagogik jihatdan oʻrganishni talab etadi.

Ilm-fanda intellekt nazariyasi asosan kreativlik va ijodkorlik bilan bogʻliq holda tahlil etilgan. Aytish joizki, intellekt masalasi asosan psixologik jihatdan oʻrganilgan boʻlib, bu borada CHarʼz Spimening “Intellektning ikki omilli nazariyasi” (umumiy va spetsifik), Xom Kerrol Kattelning uch darajali modeli, Govard Gardnerning “Intellektning koʻp darajali nazariyasi”, Robert Sternbergning “Intellektning uchlik nazariyasi” (analitik-komponentli, tajriba-ijodiy, amaliy-kontekstual), Djoy Pol Gilfordning “Intellekt

strukturasining modeli” nazariyasi (operatsiya, mazmun, natija), Mayk Andersonning “Intellekt va kognitiv rivojlanish nazariyasi” singari nazariyalar shakllangan. Mazkur nazariyalarning oʻrganish natijalari shuni koʻrsatadiki, psixolog olimlar tomonidan mazkur fenomenga turlicha yondashuvlar shakllangan. Bu esa oʻz navbatida “intellekt” tushunchasi keng qamrovli tuguncha ekanligidan dalolat beradi. Lekin intellekt bilan shugʻullangan olimlar tomonidan uning qoʻyidagi jihatlari boʻyicha yaxlit fikrga kelganligini koʻrish mumkin. YAʼni, intellekt insonlarga qoʻyidagi imkoniyatlarni yaratadi:

- mantiqiy va ratsional fikrlash,
- turli xil muammo va masalalarni echish,
- ijtimoiy meʼyorlar, urf-odat va anʼanalarni anglash va tushunish,
- turli xil vaziyatlarni tizimli tahlil etish,
- oʻzining hayotiy tajribalari asosida oʻqish va hayotiy muammolarni hal etish va h.k.

Aynan bu kabi hususiyatlarni boʻlajak pedagog-oʻqituvchilarda shakllantirish taʼlimning sifatini oshirishga xizmat qiladi. CHunki bugungi pedagog-oʻqituvchilarning oldiga qator vazifalar belgilangan. Oʻzbekiston Respublikasining “Taʼlim tugʻrisida”gi Qonunida “pedagog-oʻqituvchilar oʻquv mashgʻulotlarini sifatli oʻtkazishi; axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan,